

**БУХОРО ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ОЛМА ДАРАХТДАРИНИНГ ЎСИШ,  
РИВОЖЛАНИШ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ КЕСИШ УСУЛЛАРИ ВА  
ДАРАХТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ**

**Юнусов Рустам, доцент**

**Исмоилов Асрорбек Ўткир ўғли, талаба**

Бухоро давлат университети

E-mail: [ismoilovasrorbek15@gmail.com](mailto:ismoilovasrorbek15@gmail.com)

**Аннотация.** Мазкур мақолада Бухоро воҳаси шароитида интенсив олма дарахтларининг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигининг кесиш усуслари ва дарахтларни таъсири ўрганилган. Тадқиқотда кесиш усуслари ва даражаларини интенсив боғларда ҳосилга кириш вақтида, ҳосилнинг ҳажми ва сифатига ижобий таъсир қилиши аниқланган.

**Калит сўзлар:** Бухоро воҳаси, интенсив олма боғлари, ўрта ўсувчи пайвандтаглар, навлар, ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлиги, ҳосил сифати, самарадорлиги.

**ЗАВИСИМОСТЬ РОСТА, РАЗВИТИЯ И ПРОДУКТИВНОСТИ ЯБЛОНИ  
В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ ОТ СПОСОБОВ И СТЕПЕНИ ОБРЕЗКИ**

**ДЕРЕВЬЕВ**

**Аннотация.** В данной статье изучено влияние способа и степени обрезки в интенсивных яблоневых садах. Установлено, что изменение способа и степени обрезки в интенсивных яблоневых садах улучшает их плодоношения и увеличивает урожайность, качество плодов и эффективность производства плодов.

**Ключевые слова:** Бухарский оазис, интенсивные сады, сорта, рост, развитие, урожайность, качество плодов, эффективность.

**ЗАВИСИМОСТЬ РОСТА, РАЗВИТИЯ И ПРОДУКТИВНОСТИ ЯБЛОНИ  
В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ ОТ СПОСОБОВ И СТЕПЕНИ ОБРЕЗКИ**  
**ДЕРЕВЬЕВ**

**Abstract:** In this article, the influence of the method and degree of pruning in intensive apple orchards has been studied. It has been established that the use of the method and degree of pruning in intensive apple orchards improves their fruiting and increases yield, fruit quality and fruit production efficiency.

**Keywords:** Bukhara oasis, intensive orchards, varieties, growth, development, productivity, fruit quality, efficiency.

Мевачилик аграр соҳасининг аҳамияти ва ўзига хос соҳасидан бири хисобланиб, уруғлик интенсив мевали боҳлар, жумладан, олма боғлари жадал билан ривожланиб, янги серҳосил мевали боғлар барпо қилинмоқда. Ушбу соҳада мева ишлаб чиқаришни кескин ошириш, сифатини тубдан яхшилаш ҳамда олма етиштириш таннархини камайтириш асосан янги интенсив боғлар барпо қилиш ва мавжуд боғлардан юқори ва сифатли олма мевалари ҳосилини етиштириш кўзда тутилган [1,2,3].

Охирги йилларда Ўзбекистонда жадаллаштирилган мевали боғлар барпо қилинмоқда, бу боғларда мевали дараҳтларга шакл бериш ва навларнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, дараҳтларнинг ёшига қараб, ҳосил берувчи 3-4 йиллик шоҳларни жойлаштириш қисми бўйича кесиш усуллари ва даражалари ҳамда муайян шакл бериш тадбирлари Ўзбекистон шароитида илмий асосда атрофлича ўрганиб келинмоқда [4.5.6].

Бухоро вилояти шароитида ҳам интенсив олма боғларида пайвандтагисекин ва ўрта ўсувчи, уни кичик муттасил мўл ва сифатли ҳосил берувчи навлар танланиб, юқори ресурс тежамкор агротехнологик омилларни қўллаб, 25-30 т/га сифатли ҳосил етиштириш имконият яратилади.

Бухоро воҳаси тупроқ - иқлим шароитида олма навларини ҳосил берувчи новдаларнинг циклик равишда ёшартирувчи кесиш усулларини ва дарахтнинг ҳолатига қараб, ўсувчи шохларнинг қисқартирувчи энг самарали даражаларини илмий асосланган ҳолда аниқлаш орқали интенсив олмазорлардан ҳар йили муттасил мўл ва сифатли ҳосил етиштириш технологияси бўйича ишлаб чиқариш тавсия берилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жадаллашган боғларнинг новдаларида генератив органларнинг ва шохлардаги куртакларнинг жойланиши физиологик нуқтаси назардан аҳамиятли бўлиб, тугунчаларнинг кўп қисми мева бериш имкониятларига эга бўлади. Тадқиқот 2010-2019-йиллар давомида Бухоро туманида жойлашган, “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида ўтказилди. Вилоятнинг иқлими кескин континентал ҳисобланади. Қиши қуруқ ва совук: январда ўртача ҳарорати 40 градусдан -13 градусгacha бўлади. Нисбий намлик эса 46-60 фоизни ташкил қиласи. “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигининг тупроғи қадимдан суғориладиган аллювиал ва қучсиз шўрланган ҳисобланади. Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари бўйича бу тупроқларда чиринди миқдори 0,8-1,4% гача, азот 0,06-0,12% гача, фосфорнинг ялпи миқдори 0,11-0,18% гача, алмашинувчан калий миқдори 1,5-3,5% гача бўлади. Тадқиқотда 3 хил биологик хусусиятларга эга навлар – Голден Делишле, Ренет Симиренко ва Первенец Самарканд навларида ўтказилди, боғ 2005 йилда 6 хил шароитда барпо қилинди, пайвандтаги ўрта ўсувчи ММ – 106 [7,8,9].

Тажрибада ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда яшартирувчи кесиш усуллари 3-4 йиллик циклик алмashiши бўйича кесиш ва ҳосил берувчи шохларни қисқартириш даражаларини аниқлаш ўрганилди. Олма дарахти шохшаббаларини ёшартириш жараёнида ҳосил берувчи шахларда ҳосил куртакларини зарурий миқдорда қолдириш учун ҳосил шохларида 4-8, 8-12 ва 12-16 тадан куртак қолдирилиб қисқартирилади ва назорат вариантида таққослаш учун ҳосил шохлари қисқартирилмайди.

Дарахт танасининг устки қисмида жойлашган новдаларида дарахтларни қирқиши жараёни аввал ўсувчи шохларда, кейин эса ярим скелетли ёғочларнинг камайиши билан бошланади. 2010-2019-йиллар давомида ўтказилган тадқиқотларда навлар ва вариантлар бўйича ҳосил берган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл асосида ёшартирувчи кесиш усулини ўтқазиш натижасида шохларнинг сони, массаси ва тузилиши кесиш даражасига боғлиқ равища кўпайганлиги аниқланди.

Тажрибада ўрганилган 3 хил олма навларида 3-4 йиллик ҳосил берган ўриндош сифатида ҳосил шохларини етиштириш орқали олма дарахтининг оптимал ўсиши ва ривожланишига шароит яратиши ва дарахт доимий равища ҳосил берувчи шохларга эга булиш, муттасил мўл ва сифатли ҳосил бериши аниқланди 3 хил олма навларида кесиш усули ва дарахтларни кўпайтириш ва камайтириш йўли билан ўриндош сифатида ҳосил берувчи шохлари 3-4 йиллик циклик ёшартирувчи кесиш тадбири қўлланганда битта дарахтдаги новдалар сони 9-23% гача қисқариши кузатилди.

Ҳосил бериш учун қолдирилган 3-4 йиллик циклик ўриндош ёшартирувчи кесиш усули ва даражалари қўлланилган вариантларда бир йиллик новдалар ўсишнинг биологик кўрсаткичлари яхши бўлиб, муттасил мўл ва сифатли ҳосил олиш учун етарли ҳисобланади. Тадқиқот йиллари давомида 3-4 йил ҳосил бериб бўлган шохларни ёшартириш мақсадида олма дарахтининг бир йиллик новдалар сони Голден Демишес навида 9-28% ва Первенец Самарқанд навида 10-27% гача камайгани кузатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, олма дарахтини асосий кўрсаткичи бу бир йиллик новдаларни ўсиш узунлиги, бу кўрсаткич тадбир ўтказилган вариантларда назоратга нисбатан Голден Демишес навида 11-33%, Первенец Самарқанд навида 20-31% гача ошганлики аниқланди.

Интенсив олма боғларида жаражатларга шакл бериш ва кесиш даражаларига амал қилиб, ҳар бир дарахт шохлари ярусларида барг сатҳини тўғри жойлаштириш орқали фотосинтез маҳсулдорлигини оширишдан иборатdir.

Шундай түлиқ ёритувчанганликнинг очик майдонлардаги мақбул даражаси 50-70% ҳисобланади. Нурланишнинг меъёрий даражасини айрим вақтларда ўшириш ёки пасайтириш ҳисобига фотосинтез жараёни меъёр даражасида ўтади. Баргнинг ассимиляцион юза қисмига асосан навнинг биологик хусусиятлари, ёшартирувчи кесиш усули ва даражалари ҳамда ҳосил берил бўлган, ўсувчи шохларнинг циклик алмашинувининг давомийлиги таъсир қиласи. Энг юқори фотосинтез соғ махсулдорлик дарахт танасининг энг баланд новдаси жойлашган баргларда аниқланиб, энг паст кўрсаткич эса дарахт танасининг марказий қисмида жойлашган баргларда кузатилди ва назоратга нисбатан 0,10-1,25 г гача кўпайди.

Тадқиқот йиллари давомида ўртacha ҳосилдорлик ҳосил берил бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл билан ёшартирган ва 4-16 дона ҳосил куртак қолдириб кесилганда олмани Голден Демишес навида 0,1-4,0 ц.гача Ренет Симиренко навида 0,9-3,5 ц.гача Первенец Самарканда навида эса назорат вариантига нисбатан 0,6-3,1 ц.гача ҳосил ошган. Бу вариантларда Голден Демишес навида 41-56 б, Ренет Симиренко навида 16-35 г ва Первенец Самарканда навида 35-49 г. гача ошади.

Шунингдек, боғдорчилик соҳасини юқори иқтисодий кўрсаткичларга кўтариш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, интенсивлаштириш, юқори савия кўрсаткичларга эришиш ҳамда хўжалик цўналишини бозор иқтисодиёти шароитида мослаштириш лозим бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Артикова Х.Т., Юнусов Р.Ю., Салимова Х.Х., Климатические условия и растительность субтропические условия и растительность субтропической теплой и жаркой пустыни. ВКН.: Проблемы рекультивации отходов быта промышленность и сельскохозяйственного быта, 215,217,222 стр.
2. Yunusov R. Ganiyeva F.A. (2021) Studying the different formations of apple trees in intensive orchards//. CENTRAL SCIENTIFIC PUBLICATIONS (buxdu.uz), 6(6). [In Rus].

3. Ganiyeva F.A. (2021). ECONOMICAL. INNOVATIVE BASIS FOR THE CARE OF INTENSIVE STUDENT APPLE VARIETIES// CENTRAL SCIENTIFIC PUBLICATIONS (buxdu.Uz), 6(6). Извлечённоще резы://journal.buxdu.uz/index.php/journals\_buxdu/article/view/3375
4. Yunusov R. Ganiyeva F.A. (2021). Growth and development of vegetatively propagated rootstocks of apple trees depending on planting dencity.//Capital of Science".) ]In Rus].
5. Atayeva Z., Yunusov R., Nazarova S., Ganiyeva F.A. (2020). INFLUENCE OF CULTIVAR COMBINATIONS AND SEEDLING THICKNESS ON THE FORMATION OF PHYTOMETRIC INDICATORS AND PRODUCTIVITY OF PER TREESS IN INTENSIVE ORCHARDS.//
6. Ganiyeva F.A. "GROWN AND FRUITTING OF PEACH TREES IN IRRIGATED GARDENS DEPENDING IN THE CROWN DESIGH/. CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLICATIONS )]In Rus].
7. Ganiyeva F.A. "IMPACT OF SOUL SALINATION ON THE ECOLOGICAL STATE OFIRRIGATED LANDS AND PHYSIOLOGICAL PROCESSES OCCURRING IN PLANTS.//CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLICAIONS (buxdu.uz.) 6.6 920210. ]In Rus].
8. Ganiyeva F.A. Dependences, growth, development and fruiting of apple trees, depending on the method and degree of pruning in the conditions of the Bukhara region. //CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLIKATIONS (buxdu.uz.) 6.2 (2020.) ]In Rus].
9. Ganiyeva F.A. "Protection of orghards from pests and diseases of intensive prghards in the Bukhara region" //CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLIKATIONS (buxdi.uz) 6.6 (2021). JOURNAL. ]In Rus].